

**ЎЗР ФА САНЪАТШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ ИДРАВИЙ АРХИВИДА АКАДЕМИК
Г.А.ПУГАЧЕНКОВА ФАОЛИЯТИГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ХУСУСИДА**

Уринов Исломжон Олимжон ўғли
ЎзМУ Тарих факультети 2-босқич магистранти

Пугаченкова Галина Анатольевна – Ўзбекистонда археология, тарих, санъатшунослик, меъморчилик фанлари ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган, кўплаб шогирдларнинг устози, санъатшунослик фанлари доктори, ардоқли академик олима аёл. У 1915 йил 7 феврал куни Алматқ шаҳрида таваллуд топган. Унинг ҳаётининг асосий қисми Ўзбекистонда ўтган бўлиб, Галина Анатольевна Тошкент шаҳрида яшаган. 1937 йилда Ўрта Осиё индустрисал институтини тугатган. 1942-1958 йилларда Ўрта Осиё университети тарих факультети археология кафедраси доценти, 1958-1960 йилларда Санъатшунослик институтидаги катта илмий ходим лавозимида ишлаган, 1960-1984 йилларда институтнинг санъат ва меъморлик тарихи бўлими мудири ҳамда, айни бир пайтда, Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси бошлиғи ва илмий раҳбари сифатида фаолият кўрсатган. 1964 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, 1984 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси академиги сингари юксак унвонларга сазовор бўлган. Шунингдек, 1976 йилда Франциядаги Страсбург университетининг фаҳрий доктори, 1999 йилда Бокудаги Шарқ мамлакатлари халқаро меъморлик академияси фаҳрий академиги унвонларига эришган. 1966 йилда Ҳамза ва 1992 йилда Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофотлари лауреати. 1995 йилда «Дўстлик» ва 2002 йилда «Буюк хизматлари учун» орденлари билан мукофотланган. Г.А.Пугаченкова 2007 йилда вафот этган.

Г.А.Пугаченкованинг илмий ишлари Ўрта Осиё ва унга ёндош Ўрта Шарқ мамлакатларининг қадим ва ўрта асрлар бадиий ва моддий ёдгорликларини ўрганишга бағишиланган. Ўрта Осиё меъморлиги ва унинг тараққиёти, ўзига хос хусусиятлари ҳамда Шарқ меъморлиги ривожида тутган ўрни (Холчаён, Далварзинтепа каби ёдгорликларни ўрганиш, Кушан санъатининг келиб чиқиши, Бақтрия, Парфиянинг Гандхара санъатига қўшган ҳиссалари)ни, қадим санъат осори атиқалари (Ўрта Осиё глиптикаси, қадимги ҳайкалтарошлиги ва б.) ва миниатюра санъати (хорижда сақланаётган Ўрта Осиёга оид расмлар ва Ўзбекистонда мавжуд расмли қўллётзмаларни безаган миниатюралардан Ўрта Осиё миниатюра мактабига тегишлилари)ни тадқиқ этган [1].

Маълумки, Ўрта Осиё меъморий ёдгорликларига бўлган илмий қизиқиш 19-асрда ортиб борган ва ҳозирги кунгacha сўнмаган. Уларни кўп йиллар давомида турли археологик экспедициялар таркибида ишлаган археологлар, шарқшунослар, тарихчилар, меъморлар ўрганиб келадилар. Ўрта Осиё меъморчилигини илмий тадқиқ этиш ва ўрганиш борасида янги босқични Галина Анатолевна Пугаченкова

бошлаб берган. Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг кўплаб меъморчилик ва тарихчи ёш олимлари Г.А.Пугаченкованинг кўплаб китоблари, монографиялари ва қўлёзма архив материалларидан фойдаланиб, археологик материалларни даврлаштириш, таҳлил қилиш, назарий умумлаштириш, синтез ва бошқаларга асосланган ҳолда бир қанча илмий мақолалар ҳамда илмий изланишлар олиб борилади.

Ҳозирги кунда ЎзР ФА Санъатшунослик институти идоравий архиви илмий қисмидаги фондларда академик Г.А.Пугаченкова тадқиқотлари, фаолияти ва ижодиётига оид турли тарихий ҳужжатлар сақланади.

Олиманинг Санъатшунослик институти архивида ҳали етарли ўрганилмаган қўйидаги тадқиқотлари сақланмоқда:

ТАКЕ (Термиз археологик комплекс экспедицияси);

ЖТАКЕ (Жанубий Туркманистон археологик комплекс экспедицияси);

ЎзСЭ (Ўзбекистон санъат экспедицияси) [2].

Мазкур экспедиция архив ҳужжатларида кўп йиллик изланиш ва илмий тадқиқотлар ҳақида маълумотлар берилган. Архив ҳужжатларида ўрганилаётган обьектта ижодий ёндашган ҳолда, алоҳида ёдгорлик, меъморий мажмуа, маълум бир давр ёки бутун бир даврга хос хусусият ҳақида маълумотларни ёзиб қолдирган. Ушбу архив ҳужжатларида тарих, археология, ҳайкалтарошлиқ, нумизматика ва фаннинг бошқа соҳаларига оид кенг маълумотлар мажмуи қамраб олинган. Таъкидлаш жоизки, Г.А.Пугаченкова томонидан олиб борилган изланишлар асосида архитектура ёдгорликларини ўрганиш ва реставрация қилиш бўйича нафақат қўлланмалар, балки назарий асосга эга бўлган ягона ва умумий асарлар тўплами яратилган. Ўзбекистон меъморчилигини шакллантириш, жаҳон бадиий маданиятини ривожлантиришда Пугаченкованинг Марказий Осиё меъморчилигига доир тадқиқотлари ҳақли равища муносиб ўрин эгаллади.

Г.А.Пугаченкова тадқиқотларининг ҳар бир босқичида ҳар қандай илмий фаннинг ривожланиши учун жуда зарур бўлган муҳим муаммолар ҳал этилган. Бунинг исботи тариқасида олиманинг тадқиқотларида Ўрта Осиё маданиятига нисбатан “антиклик” тушунчаси киритилган [3]. Г.А.Пугаченкова архиви ҳужжатларида ўрта асрлар даври меъморий ёдгорликларига бағишинланган тадқиқотлари ва уларга асос бўлган турли илмий манбалар ҳам ўрин олган. Хусусан, Сомонийлар даври Ўрта Осиё минтақаси меъморчилиги, Қораҳонийлар, Салжуқийлар, Темурийлар даврининг минг йиллик (VIII-XVIII асрлар) меъморчилиги тарихининг яхлит манзарасини тиклаш, жаҳон аҳамиятига молик янги ёдгорликларни ўрганиш борасидаги қимматли маълумотларни қайд этиш лозим [4].

Архивда мужассам этган ёзма маълумотларни таҳлил қилиш натижасида, шуниси ҳам маълум бўладики, Ўзбекистон меъморий меросига муносабат тарихан ўзгариб борган ва йиллар ўтган сари изланишлар чуқурлашиб, кўлами кенгайган. Ҳар бир янги босқичда олимлар турли хил муаммоларни ҳал қилишди, маълум бўлган материалларни янги "ўқиш" ни амалга оширадилар, бошқа биноларнинг мақсади ёки

санаси, уларнинг график реконструкциялари ва ҳоказолар ҳақида бошқача нуқтаи назар пайдо бўлади [5]. Архив материалларидан назарий ва амалий ишлар ҳажми йиллар давомида Г.А.Пугаченкова томонидан янгиланганиб борилгани, унга тузатишлар ва қўшимчалар киритилгани, унинг баёнотлари ва хulosалари билан бошқа тадқиқотчиларнинг тортишувлари бўлганини билиш мумкин. Лекин шуни таъкидлаш керакки, Марказий Осиё тарихи соҳасидаги янги архитектура у ёки бу тарзда Г.А.Пугаченкованинг тадқиқотлари ва асарларига асосланган ёки улар билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Хulosса қилиб айтганда, кўп қиррали олим сифатида ўзбек археология илми ривожига катта ҳисса қўшган академик Г.А.Пугаченкованинг фаолиятига оид маълумотлар ЎзР ФА Санъатшунослик идоравий архиви илмий қисмида сақланиб келади ва улардаги илмий асарларда археология, архитектура, Ўрта Осиёning антик давргача ва қадимги даврлардаги бадиий маданияти; ўрта ва ривожланган ўрта асрлар меъморчилиги ва санъати; ҳалқ меъморчилигида анъаналар давомийлиги ва кейинги авлод усталари санъати; моддий маданият ёдгорликларини илмий реставрация қилиш усуллари; декоратив-амалий санъат обьектлари ўтган даврлар бадиий маданиятининг кўриниши ва ҳозирги замон бадиий мероси сифатида Ўрта Осиё глиптикасини ўрганиш, ўрта аср сирланган кулолчилик буюмларини ўрганиш, Ўрта Осиё миниатюра рассомлиги мактаби муаммосини ишлаб чиқиш каби кўплаб илмий масалаларни ёритувчи маълумотлар мавжуд. Мазкур архив ҳужжатларини ўрганиш натижасида олиманинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ янги тарихий фактларни аниқлаш, шунингдек, Ўзбекистонда археология, меъморчилик, тарих, санъатшунослик фанларига муҳим илмий билимларни кашф қилиш имкониятилари кенгаяди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Пугаченкова Г.А. монографиялари: Выдающиеся памятники изобразительного искусства Узбекистана. – Ташкент, 1960; Халчаян. К проблеме художественной культуры Северной Бактрии, – Ташкент, 1966; Зодчество Центральной Азии, XV век. Ведущие тенденции и черты – Ташкент, 1976; Искусство Бактрии эпохи Кушан – Москва, 1979; Искусство Гандхары. – Москва, 1982; Темурнинг меъморий мероси (ўзб, рус, француз), – Тошкент, 1996.

2. ЎзР ФА Санъатшунослик институти идоравий архив илмий қисми ИА(м) П88 № 481. Пугаченкова Г.А. Полевой отчёт о работах УИКЭ на городище Айртам и Хатын-Рабат в 1966 г.

3. ЎзР ФА Санъатшунослик институти идоравий архив илмий қисми ИА(м) П88 № 744. Пугаченкова Г., Ртвеладзе Э., Хакимов З., Беляева Т., Тургунов Б. “Из истории античного искусства Узбекистана”. 1972 г.

4. ЎзР ФА Санъатшунослик институти идоравий архиви илмий қисми ИА(м) П88 № 1173 Пугаченкова Г.А. “Памятники в системе исторических городов Средней Азии”. 1983 г.

5. ЎзР ФА Санъатшунослик институти идоравий архиви илмий қисми ИА(м) П88 №1220. Пугаченкова Г.А. Отделный оттиск из журнала “Вестник Древней истории” за 1984 г. № 3. 1984 г.